
Байрам шукуҳи тинчлик билан

Ўзбекистон туманида яшариш ва янгилиниш фасли-Наврўзи байрамини беталофат ўтказиш, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда ҳалқ сайли ва байрамнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон” ўйингоҳи олдида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва фуқаро муҳофазасига оид кўргазмаларни ўқув-амалий машғулот ўтказилди.

Фавқулодда вазиятлар давлат тизимида кирувчи ташкилотлар йўриқномаси давомида байрам тадбирларини ўтказиш даврида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш, фуқаро муҳофазасини тўғри ташкил этиш, хавфсизликни таъминлаш бўйича яна бир бор тушунтиришлар берилди. Барча зарурий чоралар, тизимларнинг ўзаро ҳамкорлиги белгилаб олинди.





2024-03-18 16:49:06